

**СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ  
4 ЖИЛД, 4 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА  
ТОМ 4, НОМЕР 4**

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART  
VOLUME 4, ISSUE 4**




<b>16. Аброр Муртазаев</b> СОДДА ГАПЛАРНИНГ МАЗМУНИЙ АЙНАНЛИК ВА ЎХШАШЛИК ДАРАЖАЛАНИШИДА ЛЕКСИК ВОСИТАЛАРНИНГ ЎРНИ.....	103
<b>17. Наширова Дилноза Буриевна</b> ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЙЎНАЛМА ҲАРАКАТ ФЕЪЛЛАРИ ТИЗИМИ.....	112
<b>18. Дарвишова Гулчеҳра Кенжабаевна</b> ШАРЛОТТА BRONTE РОМАНЛАРИДА ЖАМИЯТ ВА АЁЛЛАР МАСАЛАЛАРИ.....	120
<b>19. Ҳайитов Шавкат Аҳмадович</b> «ХАМСАТУЛ-МУТАҲАЙЙИРИН» САБОҚЛАРИ.....	127
<b>20. Астанова Гулнора Аминовна</b> “МИНГ БИР КЕЧА” АСАРИДАГИ АЁЛЛАР ОБРАЗИДА ТАДБИРКОРЛИК ВА ҚАҲРАМОНЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ.....	136
<b>21. Айымбетова Замира Максетбай қизи</b> И.ЮСУПОВ ПОЭМАЛАРЫНДА ФОЛЬКЛОРИЗМ: «ДАЛА ЭРМАНЛАРЫ» ПОЭМАСЫ МЫСАЛЫНДА.....	142
<b>22. Мўминова Манзура Мамасодикжоновна</b> ЛИРИК АСАР КОМПОЗИЦИЯСИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР.....	150
<b>23. Турсунова Мая Эркиновна</b> ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИҚДА СЛЕНГ – МУСТАҚИЛ ҲОДИСА СИФАТИДА.....	157
<b>24. Топволдиев Казбек Ахмадалиевич</b> И.А.БУНИН АСАРЛАРИДА ОРИЕНТАЛИЗМЛАРНИНГ ШАРҚНИ ЎЗИГА ХОС ИДРОК ЭТИЛИШИ СИФАТИДА АКС ЭТИШИ.....	162
<b>25. Қўчқорова Садоқат Тошпўлатовна</b> ФРАНЦУЗ ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА “MAGIE” КОНЦЕПТИНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ ВА МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	170
<b>26. Ҳакимов Муҳаммад, Бурханова Машхура</b> НУТҚИЙ АКТЛАР ИМПЛИЦИТ СТРУКТУРА БИРЛИГИ СИФАТИДА.....	180
<b>27. Бурханова Машхура</b> БАДИИЙ МАТНДА ШАҲС ХУСУСИЯТЛАРИ ТАСВИРИНИНГ КРЕОЛИЗАТИВ-СТРУКТУР ТАДҚИҚИ ХУСУСИДА.....	188
<b>28. Azimova Maxfuza Hasanovna</b> BOSHLANG`ICH SINFI O`QUVCHILARINING MULOQOT JARAYONIDA NUTQ MA`DANIYATINI SHAKLLANTIRISH.....	195
<b>29. Саттаров Уткир Уразалиевич</b> ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ ВА ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРНИНГ СТРУКТУР-МЕТОДИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	200
<b>30. Рофеева Шохида Давроновна</b> ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИЯСИДА “БИЛИМ” ТУШУНЧАСИНИНГ АКС ЭТИЛИШИ.....	206
<b>31. Гўзалхон Муҳаммаджонова</b> АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ТАФАККУР ВА РАССОМ ОБРАЗИ.....	211
<b>32. Очилова Ноила Фармоновна</b> ЎЗБЕК ТИЛИДА МАҚСАД ЭРГАШ ГАПИНИНГ ТАСНИФИ.....	217

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Ҳайитов Шавкат Аҳмадович,  
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, ф.ф.доктори,  
Бухоро давлат университети,  
Бухоро, Ўзбекистон  
E-mail: s.a.xayitov@buxdu.uz

## «ХАМСАТУЛ-МУТАҲАЙЙИРИН» САБОҚЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-4-19>

### АННОТАЦИЯ

Ўзлик, менлик хусусиятини ризо мақомида нобуд қилган, Махбуби ҳақиқий (Аллоҳ) ризоси ила ўзини тузатган комил инсон яхшию ёмонни ажратмайди. Кўнгил саховати билан барчага бир хилда фойда етказди. Одам фарзандларини маърифат ва тафаккур орқали ўзлигини англаб, маънавий ҳаётда яшашга, эрк ва истикболини ҳимоя қилишга ўргатади. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий асарларида Абдураҳмон Жомий, Паҳлавон Муҳаммад каби ориф инсонларга нисбатан «шамсул-миллати вад-дин» – «миллат ва диннинг қуёши»; «нурул-миллати вад-дин» – «миллат ва диннинг нури» истиоравий сифатлашлари қўлланилади. Бу олий унвонлар таркибидаги «нур» ва «қуёш» ўхшатилмишлари кўчма маъноси билан «ҳақиқат», «хуррият», «маърифат» рамзларини ифода этадики, ахлоқи, иши ва сўзини ўзгаларга ибрат қилиб кўрсатиш учун Ҳазрат Навоий қаламга олган баркамол инсонлар Эрк, Ростлик, Тўғрилиқ, Поклик, Маърифат тимсолларидир. Мақолада Алишер Навоийнинг устози ва дўсти, нақшбандия тариқатининг XV асрдаги муршиди комили Нуриддин Абдураҳмон Жомий хотирасига бағишлаб ёзган «Хамсатул-мутаҳаййирин» асарининг инсон қалб шуурини уйғотиш, руҳий-ахлоқий камолотини таъмин этишдаги аҳамияти ёритилган. Муаллиф маноқибни аниқ муаммоли масалалар нуқтаи назаридан чуқур ва изчил ўрганар экан, уни ҳозирги давр жаҳон фани услубий йўналишлари, мезонлари, талаблари даражасида таҳлили қилишга ҳаракат қилади. Бугунги кунда ўсиб келаётган баркамол авлод моддий ва маънавий, маданий-маърифий муаммолари ечимини излаш, шахс сифатида шаклланиб келаётган инсонга ғамхўрлик кўрсатиш масалалари давлатимиз сиёсати мақомига кўтарилдики, муаллиф айни долзарб муаммони мақоланинг ҳар бир сатрида эътибордан соқит қилмаган. Ҳар бир жумла баркамол инсон шахсияти ва унинг бадий талқини соҳасига йўналтирилган. Мақола муаллифи бадий матнни таҳлил қилишда комил инсон ва унинг ижтимоий жамият билан муносабати, инсон ва унинг дунё ҳаётида тутган ўрни, вазифаси, масъулияти каби масалаларга Навоий ҳазратларининг нуқтаи назарлари, фикр-мулоҳазаларини диққат марказида тутган.

**Таянч сўзлар:** Алишер Навоий, насрий асар, анъана, «Хамсатул-мутаҳаййирин», мукаддима, Абдураҳмон Жомий, Аҳмади Жом, камолот, маънавий замин, тафаккур, эътиқод, онг, рух, илм, маърифат, эрк, ориф, муршид, тариқат, ҳикмат, нафс, менлик, эҳтиёж, назм, ирфон, имом Шофеъий, Жалолиддин Румий, кўнгил, “Нафаҳотул-унс”, “Шавоҳидун-нубувват”, иймон, тавҳид.

**Хайитов Шавкат Ахмадович,**  
Доцент кафедры Узбекского языка и литературы, д.ф.н.  
Бухарский государственный университет,  
Бухара, Узбекистан  
E-mail: s.a.xayitov@buxdu.uz

### УРОКИ «ХАМСАТУЛ-МУТАХАЙИРИН»

#### АННОТАЦИЯ

Совершенный человек, разрушивший свой эгоизм в состоянии согласия и исправивший себя с радости истинно Возлюбленного Аллаха, не отделяет добра и зла. При щедрости сердца он приносит одинаковую пользу всем. Он учит своих детей жить духовной жизнью, защищать свою волю и будущее. Поэтому в произведениях Алишера Навои к таким мудрым людям, как Абдурахман Джами, Пахлавон Мухаммад применяются такие метафорические прилагательные как «шамсул-миллати вад-дин» - «солнце нации и религии»; «нурул-миллати вад-дин» - «свет нации и религии». В статье подчеркивается важность произведения «Хамсатул-мутахаййирин», написанного в память об учителе и друге Алишера Навои, муршиде 15 века Накшбанди - Нуриддине Абдурахмоне Джами, роль в пробуждении сознания человеческой души, обеспечении духовной и нравственной зрелости. Глубоко и последовательно исследуя манокиб по конкретным проблемным вопросам, автор пытается проанализировать его на уровне методологических направлений, критериев, требований современной мировой науки. Сегодня вопросы поиска решения материально-духовных, культурных и образовательных проблем гармонично развитого поколения, забота о растущем человеке поднялись до статуса государственной политики. Каждое предложение фокусируется на сфере гармоничной человеческой личности и ее художественной интерпретации. При анализе художественного текста автор сосредотачивается на взглядах и мнениях Хазрата Алишера Навои по таким вопросам, как гармонично развитая личность и его отношения с социумом, роль личности в мировой жизни, обязанности и ответственность.

**Ключевые слова:** Алишер Навои, прозаическое произведение, традиция, «Хамсатул-мутахаййирин», вступление, Абдурахман Джами, Ахмади Джам, совершенство, духовная основа, созерцание, вера, разум, дух, наука, просветление, свобода, ориф, муршид, мудрость, нужда, Я-образ, потребность, поэзия, знания, имам Шаффеи, Джалалиддин Руми, душа, «Нафахотул-унс», «Шавахидун-нубувват», вера, тавхид.

---

**Khayitov Shavkat Akhmadovich,**  
Associate Professor of Uzbek Language and Literature, DSc.  
Bukhara State University,  
Bukhara, Uzbekistan  
E-mail: s.a.xayitov@buxdu.uz

### LESSONS «KHAMSATUL-MUTAHAYYIRIN»

#### ANNOTATION

A perfect man, who has destroyed his selfishness in the state of consent, and who has corrected himself with the pleasure of the true (Allah) Beloved, does not distinguish between good and evil. That is why in the works of Alisher Navoi, «shamsul-millati wad-din» - «the sun of the nation and religion» is applied to such wise people as Abdurahman Jami, Pahlavon Muhammad; The metaphorical adjectives «nurul-millati wad-din» - «the light of the nation and religion» are used. The analogies of "light" and «sun» in these higher titles symbolize «truth», «freedom», «enlightenment» in a figurative sense. They are the symbols of Truth, Purity, Enlightenment. The article highlights the importance of the work «Khamساتul-mutahayyirin», written in memory of Alisher Navoi's teacher and friend, the 15th century murshid of the Naqshbandi sect Nuriddin Abdurahmon Jami, in awakening the consciousness of the human soul, ensuring spiritual and moral maturity. The author tries to analyze Manoqib at the level of methodological directions, criteria, requirements of modern

world science, while studying Manoqib from the point of view of specific problematic issues. Today, the issues of seeking solutions to the material and spiritual, cultural and educational problems of the harmoniously developed generation, caring for the emerging person have risen to the status of state policy, the author did not ignore this topical issue in every line of the article. Each sentence focuses on the field of harmonious human personality and its artistic interpretation. In the analysis of the literary text, the author focuses on the views and opinions of Hazrat Navoi on issues such as the perfect man and his relationship with society, man and his role in world life, duties and responsibilities.

**Keywords:** Alisher Navoi, prose work, tradition, «Khamsatul-mutahayyirin», introduction, Abdurahman Jami, Ahmadi Jam, perfection, spiritual ground, contemplation, faith, mind, spirit, science, enlightenment, freedom, Arif, murshid, sect, wisdom, nafs, ego, need, poetry, gnosis, Imam Shafi'i, Jalaliddin Rumi, heart, «Nafahotul-uns», «Shawahidun-nubuvvat», faith, monotheism.

Алишер Навоий ижодида, хусусан, унинг насрий асарларида кўп кузатиладиган бир анъана бор. Асар муқаддимасида муаллиф қаҳрамоннинг шажараси, насл-насаби ҳақида маълумот беради. Беш қисмдан иборат «Хамсатул-мутаҳаййирин» «Муқаддима»сида улуғ шоир ва мутаффақир Абдурахмон Жомийнинг ўз асари – 893 (1487/88) йилда битилган «Раҳм ул-бол» («Юрак томчилари») қасидасига таяниб унинг 817 (1414) йилда туғилганлиги ва эслатилган қасида иншосидан сўнг яна беш йил 898 (1492 йилгача) «умр гулзоридан» баҳраманд бўлганлиги таъкидлангач, ёзилади: «Аларнинг олий насаблари имом ул – мужтаҳидин Муҳаммад бинни Ҳасан бинни Абдуллоҳ бинни Товус бинни Ҳурмуз Шайбонийга борурким, Ҳурмуз бани Шайбон қабиласининг малики эрмишким, Бағдодда салтанат қилибдур ва жоҳилият замонида амир ул-мўъминин Умар ...илгида ислом шарафиға мушарраф бўлубтур ва бани Шайбон қабиласи насаб шарафида арабнинг кўпроқ қабойилиға мужиби мубоҳот ва тафохурдур...» [6,10]. Навоий фикрича, ахлоқи ўзгаларга ибрат, намуна сифатида талқин қилинадиган шахснинг насл-насаби покиза бўлиши зарурки, келтирилган иқтибосда асосий эътибор Жомий тимсолининг ана шу қиррасига – асли тоза, қутлуғ хилқатли инсон эканлигига қаратилгандир.

Нуриддин Абдурахмон Жомийнинг насл-насаби Шайбон қабиласининг ҳукмдори (Умар ибн ал-Хаттобнинг 634 – 644 йилларда халифалик қилгани инобатга олинса), VII асрда Бағдодда салтанат сурган Ҳурмузга бориб туташар экан. Ҳурмуз раҳнамоси бўлган Шайбон қабиласи наслан юқори нуфузга эга бўлиб, келиб чиқиши жиҳатидан шу қабила билан боғланадиган кўплаб қавмлар учун фахр ва ифтихор рамзи бўлиб келган. Жомийга яқин ўтмишда умргузаронлик қилган аждодлари – отаси ва бобоси – риёзат нури билан нафсоний хирслардан ўз қалбини поклаган, қозилик ва муфтилик каби юқори расмий лавозимларда мутгасил ишлаган бўлсалар-да, «молу жоҳ хаёли риштасини кўнгулдан узган», зулм ва дилозорликдан, ҳаром-ҳаришдан ҳазар қилган, сабру қаноатни ҳаёт тарзига сингдирган, илм нури ила қалблари мунаввар фазилатли инсонлар бўлганлар. Буни Навоий қуйидаги ихчам ифодада акс эттирган: «...оталари ва улуғ оталари зухду такво била машхур ва қазоу фатво била доим машғул эрмишлар ва Жом вилоятида сокин ва шайх ул-ислом Аҳмади Жом ватанида мутаваққин...» [6, 10].

Инсон шахсининг шаклланишида у туғилиб ўсган замин, у ворис бўлган кишилар ва маънавий муҳитнинг таъсири бениҳоя каттадир. Сажъли жумланинг иккинчи қисмида Жомий таваллуд топган маскан ва XI асрнинг иккинчи ярми, XII асрнинг биринчи ярмида Жомда яшаб фаолият кўрсатган машхур сўфий шоир, йирик олим «Анис ут-толибин», «Кунузул-ҳикмат», «Баҳорул-ҳақиқат», «Сирож ус-соирин», «Мифтоҳун-нажот» каби фалсафий-тасаввуфий асарлар муаллифи Аҳмади Жом номининг тилга олинishi ана шу ҳаётий-ижтимоий, бадий-фалсафий мантиқдан келиб чиққан.

Инсон камолотида маънавий заминнинг аҳамияти, улуғлар хоки покининг руҳий-маърифий ибрати ҳамиша Алишер Навоий эътиборида турган. Абдурахмон Жомий йигитлик фаслининг дастлабки йилларида Жомдан Ҳирот шаҳрига кўчган ва Ироқ дарвозаси яқинидаги «Низомия» мадрасасида таҳсилни давом эттирган. Алишер Навоий ушбу кўчиш сабабини



асослар экан, шу тупроққа табаррук қадами етган, шу ерда маълум муддат умри кечган инсоният илмий ва бадий тафаккурининг энг нодир, энг асл намояндалари номини махсус тилга олади: «Бори кичик ёшидин шабоб аҳдининг авойилиғачаким, Жом вилоятида эрмишлар – аларга фойда еткурур киши оз топилғон жихатидин шаҳрға азимат қилибдурлар ва Ирок дарвозасида «Низомия» мадрасасидаки, мавлоно Зайнуддин Абубакр Тоёбодий ва мавлоно Саъдуддин Тафтазоний ва баъзи Амир Хисрав Дехлавийни ҳам дерларким, анда сокин бўлғондурлар, маскан қилиб, таҳсилға машғул бўлурлар» [6, 10].

Оқиллик, мулоҳаза юритиш, тафаккур жасорати Абдурахмон Жомийда болалик йилларидан назарга ташланган. Алишер Навоий «Хамсатул-мутаҳаййирин» «Муқаддима»сида Абдурахмон Жомийнинг ўсмирлик йилларига оид муҳим бир лавҳани келтиради: «Алар кичик ёшлиғ эканда ҳам алардин муфрит фаҳму табъ осори зоҳир бўлур эрмиш. Ул жумладин будурким, орифи комил ва муршиди мукамал мавлоно Фахриддин Лўристонийки, ўз замонининг яғонаси ва ҳақиқат баҳрининг гавҳари яқдонаси эркандур – Жом вилоятида аларнинг оталари уйига тушгандур, алар тўрт ё беш ёшларида эмди мактабга борур вақтлари эмиш, ҳазрати Мавлоно аларни ўз қошларида ўлтуртуб, бармоқ ишорати била ҳавоға машҳур отларни: «Умар» ё «Али»дек битир эрмиш ва алар тааммул била ўқур эрмишлар ва ҳазрати Мавлоно аларнинг туфулиятда бу навъ зеҳни закосидин мутабассим, балки мутаажжиб бўлур эрмишлар» [6, 10]. Келтирилган иқтибос Абдурахмон Жомийнинг тасаввуф арбоблари, сўфий шоирлар ҳақидаги тазкираси «Нафаҳотул-унс мин ҳазорот ул-қудс» га асосланиб битилганлиги учун ҳам муҳим илмий қиммат касб этади. «Рашаҳот айнал ҳаёт» муаллифи Фахруддин Али Сафий (1463-1503) ҳам «Нафаҳот» даги ушбу лавҳани ўз китобида зикр этишни маъқул кўрган [8, 189-190]. Шунингдек, навоёна ранг, латифлик, руҳ ва маъно билан йўғрилган сўз дурдоналари тўрт-беш ёшлардаги боланинг нодир ақлу закоси ва баланд идрокига гувоҳдир. Ва айни лавҳа **Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг «Одам мукамал билим олиши учун унинг фитрати илми қабул қилишга қодир бўлмоғи лозим»** қудсий калимасига уйғундир «Буюк эътиқодли шахсларнинг болаликлари ҳам ибратли. Чунки ўша фаслдаёқ уларнинг онги ва руҳи ёришган бўлади... Бошқача қилиб айтганда, чинакам инсоний эътиқод нури гўдакликдаёқ кишини жаҳолат, нодонлик ва ғофиллик зулматларидан муҳофаза қилади» [11, 49]. Кўчирилган парча яна куйидаги жихатлари билан аҳамиятга молик. Абдурахмон Жомий дунёга келган оила илоҳий маърифатдан хабардор, улуғ зотларнинг маслак ва ҳақиқатларини англаш, қадрлашга қодир бўлган. Йўқса, Алишер Навоий томонидан «орифи комил», «муршиди мукамал», «ўз замонасининг яғонаси», «ҳақиқат баҳрининг гавҳари яқдонаси» каби сифатлар билан улуғланган шайх Фахриддин Лўристоний Жом вилоятидан ўтаётиб айнан шу хонадон дарвозаси олдида тўхтамаган ва шу оилага қўноқ бўлмаган бўлур эди. **Тариқат пирларининг ҳар бир ҳаракати ҳикматдан холи бўлмай, инсон камолотини парвариш этишга йўналтирилган.** Муршиди комил боланинг фаҳмлаш қобилияти, ақлу идрокини имтиҳон қилар экан, у бутун жисму жони раҳмоний руҳ билан йўғрилган Умари одил ва «валийлик дарёсининг гавҳари ҳазрат Али» (Навоий) номларини бармоғи билан ҳавода ёзади. Тасаввуф арбоблари одиллик, саҳийлик ва мардликни ҳаёт дастурига айлантирган **буюк кишиларнинг инсоний фазилатларини кичик ёшдан авлодлар руҳига сингдиришни кўзлаганлар.**

Муаллиф «Хамсатул-мутаҳаййирин» нинг «ҳамд» қисмида Қуръони мажид «Бақара» сураси 32-оятининг каримасининг бадий мушоҳада учун зарур қисмини («Эй пок Парвардигор! Бизда сен билдиргандан бошқа илм йўқ») аслиятда келтириш билан таъкидлаганидек, фақат Аллоҳ илмигина чексиз, у ҳамма нарсани қамраб олади. Инсон илми эса чекланган. У билган сари, илми қанчалик камол топиб, теранлашган сайин билмаган нарсалари шунчалик кўплигини англайди. Умрининг бутун маъносини ўз нафсини-менлигини поклаш, ўзлигини англашда деб билган Абдурахмон Жомий **илмга ташналик, беҳад юксак эҳтиёж** туфайли Жомдан Ҳиротга кўчади ва «Низомия» мадрасасида таҳсилни давом эттиради. Алишер Навоий ўша пайтда йигитлик ёшида бўлган бўлажак шайхи муршиддаги бу туйғуни (илмга интилиш) Жомда «аларға фойда еткурур киши оз топилғон жихатидин шаҳрға (Ҳиротга) азимат қилибдурлар» тарзида изоҳлайди. Яна бу кўчиш Ҳазрат Навоий томонидан ўқувчи ақл-

идрокига, ҳис-туйғуларига кескин таъсир этадиган даражада куйидагича бадий акс эттирилади:

Қуёш ул навъки мағриб сори,  
Ё Наби ўйлаки Ясриб сори [6, 11].

Назм ва насринг қоришиқ ҳолда келиши Алишер Навоий насри учун хос хусусиятдир. Бундай усул воқеликнинг ҳиссий ва ақлий идрок этилишини осонлаштириш билан бирга инсон руҳиятида кучли ҳаяжон уйғотади, кўнгилдаги эзгу туйғулар тақомилига, шахс камолотига хизмат қилади. Шунингдек, ижодкор танлаган ҳар бир образ тасодифий бўлмай, маълум ахлоқий-маънавий, бадий-ирфоний мақсад йўлида хизмат қилади. «Хамсатул-мутаҳаййирин»дан келтирилган маснавийнинг дастлабки мисрасида Нуриддин Абдурахмон Жомий Қуёшга, унинг Жомдан Ҳиротга кўчиши Қуёшнинг Машриқдан (Шарқдан) Мағрибга (Ғарбга) айланиб ўтишига ташбиҳ қилинади. **Қуёш, булут, кўприк, ўрмон, кигиз** сингарилар бадий-ирфоний адабиётда каримул-ахлоқ инсон, комил шахс тимсоли эканлиги «Маҳбулбул-қулуб»да битилган ҳамда чуқур ва ихчам асосланган [5, 97].

Галактикамизда жойлашган барча сайёра Қуёш атрофида айланади ва ундан чиққан ёруғликни ўзида акс эттиради. Қуёш ҳамма сайёралар, бутун мавжудот учун нур ва ҳарорат манбаидир. **Комил инсон** – инсоният олами учун **ёруғлик чашмаси**. У қалбидаги маърифат нури билан жамиятни ёритади. Имом Шофеъий ҳақида «Ихё»дан ўқиймиз: «Шофеъий дунё учун қуёш, одамлар учун эса офият берувчи эди» [10, 68]. Қуёш бани башар ҳаётининг негизи бўғдойга ҳам ғалла экинлари орасида ўсадиган дони захарли ёввойи мастак ўтига ҳам бирдек нур беради, ҳаёт бағишлайди. Комил инсон ҳам яхшию ёмонни ажратмайди. Кўнгил саховати билан барчага бир хилда фойда етказди. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг қуйидаги сўзлари шундай инсонлар ҳақида ёрқин тасаввур пайдо қилади: «Барча одамларни севки, гулу гулзор аро бўлгайсан. Агар уларга душман кўзи билан қарасанг, ўзингни илону тиконлар қароргоҳига ташлаган бўлурсан. Ҳар кимни севган ва ҳар нимани хуш қабул этган авлиё буни ўзгалар учун эмас, балки ўз кўзларига чиркин, ёқимсиз ва жирканч хаёллар келмасин, дея қиладилар. Модомики, бу дунёда одамларни тахайюл ва ёд этмак мутлақо зарурий экан, у ҳолда, **жирканчу чиркин хаёллардан сақланмоқ учун инсонларни яхши васфлар-ла эсла**. Чунки халқ тўғрисида қилган ҳар бир ишинг, уни яхшилик ё ёмонлик билан ёд этишинг сенга доирдир» [7, 165].

Ташбиҳ санъати қонуниятлари маснавийнинг иккинчи байтида ҳам амал қилади. Бунда Нуриддин Абдурахмон Жомийнинг Жомдан Ҳиротга кўчиши пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккадан Ясрибга ҳижрат қилишларига таққослаш орқали ифода этилади. Ясриб-Мадина шаҳрининг қадимий номи. Манбаларнинг шоҳидлигига кўра ҳижрат 622 йилнинг 22 сентябрида юз берган, мусулмон санаси ана шу кундан бошланади. Шу даврдан бошлаб Расули Акрам (с.а.в.)нинг умр дафтарида янги ва ғоят муҳим саҳифа очилган. Иймонга даъват йўлидаги тўсқинликлар нисбатан бартараф этилиб, куфр ва гуноҳ, залолат ва жаҳолат ботқоғига ботган халқнинг қалбини, руҳини ислом нури билан поклаш, жамиятда ҳақиқат ва адолат низомини ўрнатиш йўли очилган. Жомдан Ҳиротга кўчиб таҳсилга машғул бўлган Абдурахмон Жомий ҳаётида ҳам қисқа муддатда жиддий ўзгаришлар юз беради. У Аллоҳ инояти билан илму фанда ўз тенгдошларидангина эмас, **Ҳиротдек илмий-маданий шаҳарнинг энг донишманд алломаларидан ҳам устун мавқега эришади**. Илм истаб, руҳий-маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида «Низомия» мадрасасини маскан қилган йигитга «ғояти талаб ҳароратидан» (Навоий) мурод ҳосил бўлиши учун жуда оз вақт кифоя қилади. Замонасининг барча билим асослари чуқур эгалланиб ҳеч бир мураббийга эҳтиёж қолмайди. Жомдан ўзига «фойда еткарур киши оз топилғон» дан Ҳиротга устоз излаб келган толиб маърифатдан мукамал хабардор, ўз қалбидаги эзгулик нури билан одамларни тарбияловчи раҳнамо мақомига етади. «Хамсатул-мутаҳаййирин»дан ўқиймиз: «...оз фурсатда абнойи жинсдин ишни ўтқариб, балки шаҳрнинг мутабаҳхир уламосидин илму фазлни ошуруб, аларга улуму фунун ҳеч қайсида замон аҳлидин кишига эҳтиёж қолмайдур» [6, 11].

Кўринадики, Абдурахмон Жомийнинг Жомдан Ҳиротга кўчиши билан Расулulloҳнинг (с.а.в.) Маккадан Мадинага ҳижрат қилишида маълум умумийлик, маънавий уйғунлик

мавжуд. Шунингдек, Расули акрам маънавий фазилатларнинг умумлашма тимсоли сифатида улуғланади. Алишер Навоий ана шу икки улуғ сиймо руҳий ҳаётига оид ҳамоҳангликдан тасвир асосида турган образ маънавий олами равшанроқ очиш, ўз фикрини ўқувчи идрокига муфассал етказишда моҳирона фойдаланган.

Ватанимиз йигит-қизлари, Истиклол даври фарзандлари учун «Хамсатул-мутаҳаййирин»да талқин қилинган бош тимсол табиатидаги **илмнинг улуғ қудратига ишонч, билим олиш борасидаги азму шижоатда** улкан ибрат бордир.

Ҳазрат Жомий маънавий ҳаётида шоирлик олимликдан-да юқори мавқеда турган. Илм олиш, шариат асосларини ўрганиш ва ҳатто бу соҳада юртнинг «мутабаххир уламосидин (энг зўр олимларидан) илму фазли ошириш» зарурат, шоирлик эса Аллоҳ иноят этган илоҳий неъмат эди. Алишер Навоий ёзади: «Агарчи бир неча вақт биззарурат улум касбиға иштиғол кўргузубдурлар, аммо ҳеч вақт назм ойинидин холи эмас эрқандурлар» [6, 11]. Улуғ ўзбек шоири бу ўринда ботиний илмни эмас, балки ақлий-далилий илмларни назарда тутган. Нуриддин Абдурахмон Жомий умрининг йигитлик фаслидаёқ ботиний илмга эга бўлган ва унинг «ҳеч вақт назм ойинидан холи эмас» лигига ҳам шу илм сабаб бўлган. У нақшбандия хожалари силсиласининг ўз замонасидаги муршиди комили Саъдуддин Қошғарий раҳнамолигида сулукка машғул эди. «Хамсатул-мутаҳаййирин» «Муқаддима»сида бу хусусда маълумотлар мавжуд. Аммо ўша қайдлардан олдинроқ «Муқаддима»да Алишер Навоий Абдурахмон Жомий ҳаётида жазбанинг сулукдан олдин келганлигига эътиборни тортган [6, 11]. Тасаввуф илмига оид манбаларда қайд қилинишича, Ҳаққа етиш, илоҳий маърифат ҳосил қилишнинг бу йўли (жазба) сулук давомида етган ишқ туғёнидан устун ҳисобланади. Жазбанинг туғма бўлиши боиси турк тасаввуфшунос олими Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий томонидан қуйидагича шарҳланади: «... бу жазба Ҳазрати Муҳаммаднинг (с.а.в.) суннати санийасига бўйсуниб шарофатидандир. Зеро, суннатга иттибоъ Аллоҳ (ж.ж.) назарида маҳбубликка олиб боради. Расулуллоҳга (с.а.в.) зоҳирий бўлса-да ўхшашлик, соҳиби учун гўзал бир жазба юзага келтирадики, бу бандага Аллоҳнинг (ж.ж.) раҳмат эшиги очикдир» [3, 84]. Мавлоно Жомий йигитлик йилларидаёқ Расулуллоҳ (с.а.в.) суннатиға мувофиқ гўзал фазилатларни ўз руҳига сингдира борган. Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-саҳих» китобидан ўқиймиз: «Тушимда менга бир идишда сут келтирилди, қонгунимча ичдим, ҳатто тирноқларимдан сут чиққанини кўрдим». Саҳобалар сўрадилар: «Ё Расулуллоҳ, сутни нимага йўйдингиз?» «**Илмга**» – дедилар» [1, 36].

Расули Акрам яна бир ҳадисда «Бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиққандин афзалдир. Бир кун илм ўрганиш, уч ой рўза тутгандин яхшироқдир» десалар, бошқа бир ҳадисда «Ҳар бир мусулмонга талаби илм қилиш фарздир» [4, 93], дейилади.

Ҳадисларда «илм» деганда фақат диний илмларгина эмас, барча илмлар (зоҳирий ва ботиний) назарда тутилган. Ҳар бир мусулмон учун диний илмлар билан бирга дунёвий илмларни мукамал эгаллаш ҳам қарз, ҳам фарз қилиб қўйилган. Абдурахмон Жомий пайғамбарнинг (с.а.в.) мазкур кўрсатмасига амал қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билганлиги юқорида «Хамсатул-мутаҳаййирин» дан келтирилган иқтибосларнинг таҳлили жараёнида аён бўлди. Расулуллоҳ (с.а.в.) таъкидича, илм жамият ахлоқий поклигининг манбаи, илм сусайган элда қоқлик, маданиятсизлик, нодонлик, фаҳш ишлар билан машғуллик кучаяди: «Илмнинг сусаймоғи-жаҳолатнинг кучаймоғи, зинонинг авж олмоғидир» [1, 500]. Шундай экан, риёзат билан илмни теран ўрганган, чуқур тушунадиган ва ундан ўзи манфаат ола биладиган киши ўзгаларга ҳам ўргатиши, илм тарқатишга киришиши, маърифат, эзгулик уруғларини сочиши лозим. «Одамларга яхшиликни ўргатиб, ўзини эсдан чиқарган **олим**, кишиларга ёруғлик бериб, ўзини куйдирадиган шамчирокқа ўхшайди» [4, 106]. Ушбу талабнинг Абдурахмон Жомий фаолиятида амалий намоеън бўлиши «Хамсатул-мутаҳаййирин»нинг «Хотима» қисмида ёрқин акс этган. Бунда Алишер Навоий ўзи Нуриддин Абдурахмон Жомийдан таълим олган китоблар рўйхати ва уларнинг ихчам тавсифини беради. Асар муаллифи «алар хизматида таълим ва истифода юзидин» ўқиган китобларнинг аксарияти Ҳазрат Жомийнинг ўз маънавий мероси-аруз, қофия, муаммо илми, илоҳиёт, тасаввуф илми тарихига оид ноёб асарлардир. Алишер Навоий ўз маънавий такомилнинг таянч манбаи



шайхи муршиднинг «сўфия машойих истилоҳида» битилган тўрт асари ҳақида кетма-кет маълумот берар экан, бу ноёб жавоҳирларнинг инсон қалб шуурини уйғотиш, руҳий-ахлоқий камолотини таъмин этишдаги аҳамиятини биргина жумлада очишга муваффақ бўлади. Бу ўринда ўша асарлардан айримларига берилган тавсифларни назардан ўтказиш фойдадан холи бўлмайди: «Яна ҳам бу истилоҳда «Ашиъа» дурким барқининг талолойидин хира кўзларга очуғлиқ ва қуёшининг шаъшаасидин тийра кўнгулларга ёруғлуқ етишур» [6, 72].

Алишер Навоий устоз ҳузурда ўқиб ўрганган асарларидан яна бири Ҳазрат Жомийнинг сўфий шайхлар ҳаёти ва таълимоти ҳақидаги китоби – «Нафаҳотул-унс мин ҳазоротул-қудс»нинг маърифий аҳамиятини ихчам шарҳлашда истиора санъати имкониятларидан мохирона фойдаланади. Бутун жумла мазкур санъат асосига қурилган бўлиб, унда олти ўринда Алишер Навоий максadini ифодаловчи калималарга улар билан ташбиҳий муносабатда бўлган сўзлар ўзаро боғланиб, истиоравий ифодани ҳосил этади: «Яна «Нафаҳотул-унс» дурким, ошнолиғ насоими унс равзасидин жон машомига келтурур ва улфат шамоили қудс гулшанидин руҳ димоғига етурур» [6, 12]. Кўшма гап таркибидаги содда гаплар кесимининг ягона оҳанг билан ўқилиши (келтурур-еттурур) асосида юзага чиққан мусажжаъ; бадий матндаги «ошнолиғ», «унс», «дўстлик» калималарининг маъно ўзанида тенглиги; «насоим», «машом», «шамоил», «димог», «равза», «гулшан» сўзларининг мантиқан бири-бирини тақозо қилиши заминада намоён бўлган таносиб санъати Алишер Навоий фикри жозибасининг бўлиқлигини тайин этган. Асар муаллифи ифодасидаги «унс равзаси», «қудс гулшани» рамзий-истиоравий бирикмаларидан мурод Аллоҳ даргоҳи – Қодир подшоҳ ҳузуридир. Ҳазрат Жомий «Нафаҳотул-унс»да ҳаёти, «аъмол ва афъол ва муомилот ва риёзоти»ни (Навоий) қаламга олган мутафаккирлар кўнгилни нафсу ҳирс чангидан буткул поклаб олий Дўст васлига етган, Ёр ёнидан ўрин тутган, бутун вужудидан «Дўстлик боғи»нинг ёқимли шабадаларию «Поклик гулшани»нинг хушбўйликлари анқиб турадиган улуғ зотлардир.

Таҳлил қилинаётган иқтибос таркибидаги «ошнолиғ насоими» ва «улфат шамоили» рамзий-истиоравий ибораларини Илоҳ маърифати маъносида англаш лозим. Унга кўра солиқ «унс равзаси» – «қудс гулшани» га етгач, дўст Дўстга қовушиб, бирлашади. Ана шу висол пайтида «ошнолиғ насоими» (илоҳий маърифат) «жон машоми» (димог)га этади, «руҳ димоғи» «улфат шамоили» (илоҳий файз) дан баҳраманд бўлиб яйрайди. Васл мақомига етган, руҳи Илоҳ маърифатига қонган солиқ ҳақиқатларни кашф этиш мартабасига, комилликнинг олий тимсоли даражасига кўтарилади. Қалби маърифат хазинасига айланган бундай кишилардан инсоният олами катта манфаат кўради. «Поклик гулшани» да мақом тутганларнинг жамиятга етказадиган ҳар қандай катта миқдордаги моддий бойлик ўрнини босишга қодир бўлмаган маънавий манфаати маълум бир замон, давр билан, маълум бир жой, макон билан чегараланмайди. Улардаги маърифат, муҳаббат, шафқат ва мурувват нури барча замонларни, манзилу маконларни бирдек ёритади. Чунки улар ўзларидаги бу олий сифатларини Қодир подшоҳ ҳузурдаги рози бўлинган жойдан («Фа маъади сидқин ўинда малики муқтадир»), «унс равзаси» – «қудс гулшани»дан бақоси пайваста, абадий Тирик ва Уйғоқ, маконда маконсиз бўлиб, бутун борлиқда ва замонда замонсиз бўлиб, барча замонларда Мавжуд – Аллоҳдан олгандирлар. Ҳазрат Навоий яккаю ягона Аллоҳ сифати шарҳида битган қуйидаги жумлалар унинг «ишқда васлдин ком топқон ва «ўинда малики муқтадир» мақомида ором топқон» маҳбуб бандаларига ҳам тааллуқлидир: «Не анга замон ва макон эҳтимоли, не замон ва макон андин холи. Не хало анинг еридур, не мало, аммо хало ва ҳам мало андин тўла» [5, 106-107].

Шунинг учун ҳам бутун ижоди ва фаолиятини инсоннинг ички дунёсини риё, фириб, ёлғон, кибр, адоват каби ахлоқий тубанликлардан тозалаб, уни муҳаббат, садоқат, меҳру оқибат, қаноат, сабр, ҳилм (мулойимлик) каби гўзал фазилатлар билан зийнатлантиришга бағишлаган Алишер Навоий «Нафаҳотул-унс» нинг ёзилишига ҳам ўзи сабабчи бўлган эди. Инсонпарвар ижодкорнинг Ҳазрат Жомийдан айнан шундай асар ёзишни сўраб, «арз қилиш»дан муроди «Хамсатул-мутаҳаййирин»дан келтириладиган қуйидаги парчада равшан акс этган: «... ҳеч ким бу мазкур бўлғон бузургворларни бир китобда жамъ қилмайдурким,

**замон аҳлига нафъи куллий андин етишгай** ва мумкиндурким, фалак сайри изтиробидин ва замон ҳаводиси инқилобидин бу авроқ ҳам нобуд бўлғай ва ҳайфдурким, бу **бузургвор тоифанинг муборак отлари ва фархунда аҳвол ва сифотлариким**, мақсуд офаринишдин аларнинг шариф вужудларидур-орадин чиққай» [6, 49]. Алишер Навоийнинг кейинчалик «Нафаҳотул-унс» ни ижодий таржима қилиши, «Хамсатул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» каби манокӣбларни ёзишдан кузатилган бош мақсади ҳам кўчирилган иқтибосдан аниқ намоён бўлади.

Нуриддин Абдурахмон Жомийнинг «Шавоҳид ун-нубувват» асари Муҳаммад алайҳиссалом руҳи билан яшаш, унинг муборак сиймоси ва суннати санийҳасига чин ихлос билан ҳамрозу ҳамроҳликнинг амалий тасдиғидир. Шунингдек, асар «Муқаддима» сида муаллиф Расулulloҳ (с.а.в.) ва бошқа пайғамбарлар ахлоқидаги гўзал фазилатлар билан инсонларни безаш, илм, ақл, маърифат орқали ўзликларини англаб, пок кўнгил билан Ҳаққа етишларида уларга ёрдам бериш мақсадида ушбу китобни таълиф этганлиги ва айни шу муддаодан келиб чиқиб китобга ном қўйганлигини таъкидлайди: «... Хостки, аз он фоида сойир мусулмонон мунтафеъ шаванд... Чун фоидаи азим дар ин таълиф тақвияти яқин роҳи навардони тариқати жавонмардони аҳли ҳақиқат тавонад буд, агар онро ба «Шавоҳид ун – нубувват бақаввияти аҳл ул-футувват» тасмия кунанд дур наменамояд» [6, 51-52].

Алишер Навоий ўзи ёзилишига сабабчи бўлган бу асарнинг Ҳазрат Жомий «хизматида таълим ва истифода юзидин ўқу»ган асарлари рўйхатида рақам қилар экан, ўнлаб саҳифаларда ифода этиш мумкин бўлган «Шавоҳид ун-нубувват» ғоявий манбаи, яратилиш тарихи ва муаллифи маҳоратини биргина жумлада акс эттира олган: «Яна бири «Шавоҳид ун-нубувват» муқобала қилилибтурким, алфози иймон жўйбори ашжорин яқин анҳори била сероб ва маонийси ийқон ашжори асморин таҳқиқ саҳоби амтори билан шаҳди ноб этар» [6, 72]. Кўринадики, фикр рамзий-истиоравий тарзда ифодаланяпти. Унда истиоранинг узлуксиз, чамбарчас боғланиб кетган тизмаси мавжуд. «Иймон ашжори дарахтлари» (иймон дарёси дарахтлари), «яқин анҳори», «ийқон ашжори асмори» (аниқ билиш, ишонч дарахтлари мевалари), «таҳқиқ саҳоби амтори» (аниқлаш, ҳақиқат қилиш булутлари ёмғирлари) истиоралари мусажжаъ унсурлари (сероб-ноб) билан бирга фикрнинг лафзий латофати, оҳангдорлиги, жозибадорлигини таъмин этган. Моҳият ана шу оҳанг ва жозиба билан кўшилиб, қуйилиб шеърий санъатнинг нозик, сеҳрли торидан сизиб чиқади. «Шавоҳидун нубувват» замиридаги туб маъно, бош ғоя ва унинг фалсафий-ахлоқий, ижтимоий-маърифий кўлами сажънинг биринчи қаторидаги икки истиора орқали берилган.

«Иймон дарёси» – кўнгил, «иймон дарёсининг дарахти» – Тавҳид дарахти, «яқин анҳори» истиораси Илоҳ маърифати маъносига эга. Ҳожи Бектоши Валий «Мақолол»идан ўқиймиз: «Оллоҳ сизлар учун икки бўстон яратди. Бири дин бўстони, иккинчиси иймон бўстони. Айни пайтда маърифат сувини кўнгил кўзидан оқизди: «Оллоҳ осмондан сув-ёмғир ёғдириб (бутун) ер кўм-кўк бўлишини кўрмадингизми?» (Қуръон: 22-сура, 63-оят). Сиздаги у бўстонларни боғбонсиз дея билманг. Биров бир бўстон яратса, аввало, атрофини ўраб олар, кейин тупроғни юмшатар, хилма-хил нарсаларни кўкартирар. Ундан сўнг қайта суғорар, текислар, бегона ўтларни юлиб, ташқарига чиқариб ташлар...

Аллоҳу таоло буюрмишки:

– Эй қулларим! Сизлардаги икки бўстон меники. Иноятим-ла парвариш этдим, раҳматимдан атрофини ўрадим. Мискинлик билан кўнглингизни юмшатдим. Кўнглингизда тавҳид дарахтини тикладим. Тавҳид дарахтида Ҳақиқат мевасини етиштирдим. Маърифат суви билан суғордим, кераксиз ўтин ва тиканларини ажратиб ташладим. Душманлик истовчилардан қўриқладим. Гуноҳларингизни ўрталикда кўрқинчли қилдим» [9, 26].

«Шавоҳид ун-нубувват» қалбдан кибр, риё, ёлғон, кин-ҳасад, бадгумонлик каби «бегона ўтлар»ни юлиб ташлаш, кўнгилдан залолат ва жаҳолат тиканини суғуриб олиш, иймон бўстонига Тавҳид дарахти уруғларини сепиб, уни маърифат сувига («яқин анҳори») қондириб ўстириш, шайтон хуружларидан ҳимоя қилиб камолга етказишда дастуриламалдир.

Сажъли жумланинг иккинчи қисмидаги истиоралар «Шавоҳид ун-нубувват»нинг яратилиш тарихи ва Нуриддин Абдурахмон Жомийнинг бадий санъаткорлиги масалалари

хусусида баҳс қилади. Алишер Навоий биринчи истиорани «аниқ билиш, ишониниш»лик маъноларини англатувчи «ийқон» сўзига дарахт ва унинг ҳосили (меваси) маъносини англатувчи «ашжори асмори» бирикмасини қўшиш билан ҳосил қилади. Иккинчи истиора эса «бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш, текшириш, суриштириш, аниқлаш» мазмунидаги «тахқиқ» сўзининг «саҳоб» (булут) ва «амтор» (ёмғир) калималари билан ташбихий муносабатда бўлиши орқали юзага чиқади.

Алишер Навоий мазкур истиоралар орқали «Шавоҳид ун-нубувват»нинг ишончли, замини мустаҳкам манбалар асосида яратилганлигини таъкидлайди. Расули Акрам (с.а.в.) ва бошқа пайғамбарлар ҳаёти, ахлоқи, фаолияти, мўъжизоти манзараларини ойдинлаштирувчи маълумотлар чуқур мантикий мушоҳададан ўтказилганлиги, Ҳазрат Жомийнинг шубҳага ўрин қолдирмайдиган далиллар шохидлигида иш қўрганлиги хусусида ёрқин тасаввур уйғотади.

Жумла якунидаги «шаҳд» (асал), «ноб» (тоза, тиник, соф) сўзлари юқорида келтирилган рамзий-истиоравий иборалар мазмуни билан уйғунлашиб тарихий маълумотлар, илоҳий ривоятлар, ақидалар, қарашларни ўз давридаги ижтимоий ҳаёт, таълим-тарбия, ахлоқ мезонларига оид тасаввурлар заминидан акс эттирган Жомий қаламининг сеҳрга, мўъжизаларга кодир эканлигини намойиш қилади.

### Иқтибослар/ Сноски/ References

1. Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ал-Жомий ас-саҳиҳ /Ишонарли тўплам/. 4 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. – Б. 560.
2. Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ал-Жомий ас-саҳиҳ /Ишонарли тўплам/. 4 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. – Б. 560.
3. Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1999. – Б. 100.
4. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 301.
5. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 14-жилд. –Тошкент: Фан, 1998. – Б. 304.
6. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 15-жилд. –Тошкент: Фан, 1999. – Б. 236.
7. Румий, Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадир. –Тошкент: Ёзувчи, 1997. – Б. 192.
8. Сафий, Фахриддин Али. Рашаҳот. – Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. – Б. 536.
9. Хожа Бектоши Валий. Мақолот. – Тошкент: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2000. – Б. 56.
10. Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. Биринчи китоб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 232.
11. Ҳаққул И. Камол эт касбким. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – Б. 240.